

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 147 (1473), 2025 йил 19 июль, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МЎҒУЛИСТОНГА ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ТАШРИФ ДАВОМИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ СОҲАЛАРИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 24-25 июнь кунлари Мўғулистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадлар

1. Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасида 2025-2026 йилларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг асосий кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) Мўғулистондан Ўзбекистонга 100 минг бош майда шохли молларни олиб келиш ва маҳаллий шароитда наслчилик-селекция ишлари ёрдамида кўпайтириш орқали уларнинг сонини 2029 йил якунига қадар 1 миллион бошга етказиш;

б) боқичма-боқич жун ва кашемирни қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

в) мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларининг Мўғулистонга экспорт ҳажмини ҳар йили ошириб бориб, 10 баробарга кўпайтириш чораларини кўриш;

г) Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида тажриба алмашиш ва мутахассислар малакасини оширишни йўлга қўйиш.

II. Мўғулистондан майда шохли молларни импорт қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

2. Белгилансинки, 2025 йил 1 августдан 2027 йил 31 декабрга қадар Мўғулистондан майда шохли молларни Ўзбекистонга импорт қилишда тадбиркорлик субъектларига:

а) ҳаво транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизи Давлат бюджетидан қоплаб берилди. Бунда ушбу кичик бандда назарда тутилган харажатлар учун талаб этиладиган маблағлар Давлат бюджетидан қоплаб берилди. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига чорвачи-

лик хўжаликлари томонидан хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчки, она балиқ ва жўжаларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади;

б) қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини фойзалар ҳисобланмаган ҳолда тўлов таъминотисиз кечиктириб тўлаш имконияти берилди.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бошқа харажатларни қайта кўриб чиқиш ҳисобидан 2027 йил учун Давлат бюджети параметрларида ушбу қарорнинг 2-банди “б” кичик бандида кўрсатилган тўловларни қоплаб бериш бўйича харажатларни назарда тутсин.

4. Марказий банк, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Мўғулистондан майда шохли молларни Ўзбекистонга импорт қилишда қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

► Давоми 2-бетда

ТЎРТКЎЛНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ ҚАНДАЙ ЯРАТИЛМОҚДА?

Бир манзил

Худойберган бобо тинимсиз шовқин-сурон қилаётган техникалар томон йўл олди. У йўл-йўлакай илгари қурилиш ишлари бундай қизгин бўлганини ҳеч эслай олмайди. Осмонга тиргак бўлгудай баланд кран темир-бетон плитани кўтариб жойлаштирмоқда. Узоқдан одамлар чумолидек кичкина кўринар экан. Худойберган бобо жараёнга ҳавас билан узоқ қараб турди.



Ҳақиқатан, Тўрткўл туманида биринчи маротаба бундай катта лойиҳа амалга оширилмоқда. Унга кўра, 9 қаватдан иборат кўп хонадонли замонавий турар жой объекти қад ростлайди. Туман тарихида илк бор бундай баланд бинонинг қурилиши, барчанинг қайфиятини кўтарди.

— Лойиҳа аҳолига қўлай шарт-шароит яратиш учун ишлаб чиқилган. Масалан, ушбу уйда дўкон, спорт зал каби аҳоли учун зарур маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам бўлади. Шунингдек, ҳар бир йўлак учун бир тонна-

лик лифт ўрнатилиб, қуёш панеллари билан жиҳозланган. Шу боис, лифт электр йўқлиги учун ўчиб қолди деган масала бўлмайди, — дейди “EVRO-AZIA” қурилиш корхонаси бошлиғи Эркин Самандаров. — Шу билан бирга, сув таъминоти ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Техник сабаб туфайли асосий тармоқдаги сувда узилши бўлса ҳам аҳоли қийналмайди. Чунки 1,5-2 суткага етадиган сув захираси ҳам яра-

тилган. Иморатнинг тепасида эса дам олиш учун терраса қилинган. Энергия-тежамкор ушбу бино замонавий талабларга тўла жавоб беради.

Худойберган бобо ана шу бинога ҳавас билан боқар экан, кўнглидаги ўй тилига кўчади: “Шундай уйни қуришни ўзи бўладими, анча кўп маблағ кетгандир, бунга?!”

► Давоми 2-бетда

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВ – ҚАДР-ҚИММАТ, ЭРКИНЛИК ВА АДОЛАТ ГАРОВИ



Ўзбекистон демократик, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаб, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини жамият тараққиёти ва давлат қурилиши, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши сифатида белгилаб олди. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар негизда “Инсон қадрини эълан қилиш” тамойили марказий ўрин эгаллаши инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш ва уларга риоя этиш масалаларига устуворлик берди.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг шу йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан қайд этилганидек, мустақиллик, барча сиёсий-ҳуқуқий кафолатларни ўзида мужассам этган ҳолда, “Ўзбекистон — 2030” стратегиямизни амалга ошириш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қучайтириш, инсон қадрини, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақамизда яхши қўшничилик алоқаларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари

билан фолл ҳамкорлик қилиш, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда беқиёс таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирги вақтга келиб, мамлакатимизда инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларига оид ҳуқуқий тизим шакллантирилди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ асосий халқаро ҳужжат, шу жумладан, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича 11 та асосий шартномасига қўшилган.

► Давоми 3-бетда

Таҳлил

АГРОСАНОАТ: ИҚЛИМ ЎЗГАРМОҚДА, ЁНДАШУВ-ЧИ?

ЁХУД САМАРА — ЗАМИН “МЕВАСИ”

Бугун кўпчилиكنинг диққат эътиборида бўлган нарса ҳаво хароратининг кескин кўтарилиши бўлмоқда. Айримлар бундай иссиқлик сўнгги юз йилликда кузатилмаганини таъкидлаётди. Ҳаво харорати мувозанати бузилиши натижасида бир қатор жиддий муаммолар ўртага чиқмоқда. Қўлларнинг қуриши, чўлланнинг кенгайиши, музликларнинг тез эриши натижасида чучук сув захиралари камайиши бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигига катта таҳдид солмоқда.

Олимларнинг таъкидлашича, сўнгги ўн йилликда тоза сувга бўлган талаб 40 фоизга ошган ва келаси 25 йил ичида дунё озиқ-овқат маҳсулотларининг ярмидан кўпини етиштириш хавфи юзага келади. Мутахассислар қургўқчиликдан зарар кўрган ер майдонлари сўнгги 120 йил ичида икки баробар ошгани, шунингдек, қургўқчиликнинг иқтисодий зарари кескин ўсиб бораётгани ҳақида ҳам огоҳлантирмоқда.

2024 йилги Глобал озиқ-овқат инқирозлари ҳисоботида кўра, 2023 йилда 59 мамлакатда 281 миллион киши кескин озиқ-овқат танқислигига дуч келган. Бу рақам 2022 йилдан (257 миллион) янада ошган бўлиб, бешинчи йил кетма-кет ўсишни кўрсатмоқда.

► Давоми 4-бетда

Ифтихор

ИНСОН ҚАДРИ ЮКСАК ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбек ҳақда сўзлаб берай, кел,
Шамол каби доим уйғоқ эл,
Бир сўзли мард, сахий, танги феъл,
Қўкка тоғлар тиргак Янги Ўзбекистонда,
Инсон қадрини юксак Янги Ўзбекистонда!

Ватан номи янграр жахонда,
Спорт, санъат, илму ирфонда,
Боболарнинг қони бор қонда,
Мангу жўшар юрак Янги Ўзбекистонда,
Инсон қадрини юксак Янги Ўзбекистонда!

Ҳар соҳада илғор, пешқадам,
Ҳавас билан қарайди олам,
Рўзғори тинч, кўнгли хотиржам,
Ушалгай ҳар тилак Янги Ўзбекистонда,
Инсон қадрини юксак Янги Ўзбекистонда!

Қимирлаган қирлар ошгайдир,
Қалб қувончдан тўлиб тошгайдир,
Бир чўп суқсанг, олам яшнайдир,
Гул очар ҳар куртак Янги Ўзбекистонда,
Инсон қадрини юксак Янги Ўзбекистонда!

Дунё қалқиб турган денгиздек,
Тинчликпарвар эл борми биздек,
Дунёга бахт тилайди ўзбек,
Ёп-ёруғ келажак Янги Ўзбекистонда,
Инсон қадрини юксак Янги Ўзбекистонда!

Ғайрат МАЖИД

ЯНГИ МАРРА ЗАБТ ЭТИЛДИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИЛАР ХАЛҚАРО КИМЁ ОЛИМПИДАСИДА ЭНГ ЯХШИ НАТИЖА КЎРСАТДИ

Бу йилги Халқаро кимё олимпиадасида 4 нафар ўқувчимиз юқори натижа кўрсатгани ҳақидаги хабар барча юртдошларимизни севинтиради, албатта. Ғолибларга қанча ўқувчилар ҳавас қилди, ота-она ва ўқитувчилар фахрланди. Қолаверса, 2026 йилда ушбу олимпиадага мезбонлик Ўзбекистонга ишониб топширилди. Бу салоҳиятимизни кўрсатиш учун жуда катта имконият дегани.

Зеро, Халқаро кимё олимпиадаси — IChO нуфузли халқаро олимпиадалар қаторига қиради. Маблумот ўрнида айтиш жоизки, мазкур олимпиадада Ўзбекистон

жамоаси 2013 йилдан қатнаша бошлаган ва биринчи йил 1 та олтин, 2 та бронза медалга эга бўлган эди.

► Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

Мўғулистонга олий даражадаги ташриф давомида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

а) чорвачилик йўналишида жалб қилинган халқаро молия институтларининг кредит маблағларини тадбиркорлик субъектларига **йиллик 10 фоиз ставкада** (шундан 3 фоиз банк маржаси) 5 йил муддатга **2 йиллик имтиёзли давр** билан ажратиш. Бунда тижорат банкларининг мазкур кичик бандда назарда тутилган кредитларни имтиёзли шартларда ажратиш билан боғлиқ харажатлари **Давлат бюджетига тўланадиган дивидендларини мос равишда камайтириш** ҳисобига қопланади;

б) тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредит маблағлари учун сугурта механизмидан фойдаланган ҳолда **мол-мулк гаров таъминотини 50 фоизгача** этиб белгилаш.

5. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасига (кейинги ўринларда — Ветеринария кўмитаси) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларининг **кафиллиги асосида бир ой муддатда қайтариш шарти билан** Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **тадбиркорлик субъектларига** Мўғулистондан майда шохли молларни етказиб беришда **молиявий кўмак кўрсатиш ҳуқуқи берилсин.**

6. Мўғулистондан Ўзбекистонга импорт қилинадиган майда шохли молларнинг **ҳудудлар кесимидаги тақсироти 1-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

7. **Бухоро, Жиззах, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё** ва **Тошкент вилоятлари** ҳокимлари **бир ҳафта муддатда** майда шохли молларни парварилаш учун озуқа ери, чорвачилик мажмуаси ва мутахассиси (ветеринар) мавжуд бўлган тадбиркорлар

рўйхатини шакллантириб, Ветеринария кўмитасига тақдим этсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Яйлов ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва уларни муҳофаза қилиш, қоракўлчилик, тери ва жун sanoati соҳаларини янада ривожлантириш бўйича республика комиссияси қарорига асосан Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё яйлов хўжаликларини балансидagi ерлар Мўғулистондан майда шохли молларни Ўзбекистонга камида **1000** мол импорт қилган **тадбиркорлик субъектларига** қуйидаги **шартлар асосида тўғридан-тўғри** ижарага берилсади:

а) наслчилик ва селекция ишларини ривожлантириш орқали импорт қилинган майда шохли молларнинг бош сонини кўпайтириб бориш;

б) яйловларда озуқабоп ўсимлик турларидан бўлган изен, терескен, куйровук, камфоросма, чўғон, эркак ўт, оқ (қора) саксовул экилишини ташкил қилиш.

III. Мўғулистонга мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ишларини ташкиллаштириш

9. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Инвестициялар, sanoat ва savdo вазирлиги, Savdo-sanoat palatasi билан биргаликда **2025-2026 йилларда:**

а) Мўғулистоннинг йирик savdo markazlarida “Ўзбекистон маҳсулотлари” ярмаркасини ташкил этсин ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Ўзбекистондан экспорт қилиб, келгусида бошқа давлатларга реэкспортни амалга оширсин;

б) **Улан-Батор** шаҳридаги йирик savdo maydonlarida **Ўзбекистон маҳсулотлари стендини** ташкил этиб бориш;

в) **Ўзбекистон — Мўғулистон** savdo uynini ташкил этсин;

г) Мўғулистоннинг импортчи корхоналари вакиллари билан иборат делегациянинг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этган ҳолда **бизнес учрашувлар** ўтказсин.

IV. **Майин жундан аралаш ип ва мато ишлаб чиқаришни ташкил этиш**

10. Savdo-sanoat palatasi, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қуйидаги **таклифлари розилик берилсин:**

а) **2025 йил якунига қадар** Ўзбекистон тўқимачилик фабрикаларида **дастлабки босқичда синов тарикасида аралаш ип ва мато ишлаб чиқариш** учун Мўғулистондан “Ўсаноатэкспорт” АЖ орқали **марказлашган ҳолда майин жун ва кашемир олиб келиш**. Бунда “Савдонни ривожлантириш компанияси” АЖ ушбу мақсадлар учун “Ўсаноатэкспорт” АЖга унинг буртманомасига асосан белгиланган тартибда маблағ ажратади;

б) **2026 йил якунига қадар** Мўғулистондан импорт қилинган майда шохли моллардан олинadиган **жуни қайта ишлаш бўйича маҳаллий мутахассисларнинг** Мўғулистоннинг кашемир ишлаб чиқариш ва тўқимачилик корхоналарида малакасини оширган ҳолда **жуни қайта ишлаш корхонасини ташкил этиш**.

V. **Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида тажриба алмашиш ва мутахассислар малакасини оширишни йўлга қўйиш**

11. Agrosanoatni ривожлантириш агентлиги **2026 йил якунига қадар** Мўғулистонга совуққа чидамли ва серҳосил **10 минг** дона мева кўчатларини томчиладиб сўғориш технологиялари билан бирга етказсин ҳамда **15 гектар** ер майдонида замонавий sanoatlashgan интензив бог ташкил этишга кўмаклашсин. Бунда мева кўчатлари ва томчиладиб сўғориш технологияларини

сотиб олиб, уни Мўғулистонга етказиш харажатларини қоплаш Agrosanoatni ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадида жамғармаси маблағлари ҳисобидан Agrosanoatni ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги “Agrosanoat innovatorlari” МЧЖ томонидан амалга оширилади.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **2026/2027 ўқув йилидан** бошлаб Тошкент давлат аграр университети ва Мўғулистон табиий фанлар университети ўртасида магистратура мутахассисликлари бўйича **қўшма таълим дастурлари жорий этилишини таъминласин.**

VI. **Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

13. Бош вазир ўринбосарлари **Ж.Қўчқоров** ва **Ж.Ходжаев** икки ой муддатда Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасида эришилган келишувлар ва лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида Sanoatni ривожлантириш жамғармасига **50 миллион АҚШ доллари** ҳамда Savdogo кўмаклашиш жамғармасига **50 миллион АҚШ доллари эквивалентида 2030 йил 31 декабрга қадар қайтариш шarti** билан паст фоизли маблағ жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига таклиф қиритсин.

14. Вазирлар Маҳкамаси (Ходжаев) **икки ҳафта муддатда** мазкур қарорнинг 2- ва 4-бандларига мувофиқ қуйидагиларни тасдиқласин:

а) **ҳаво транспортда** ташиш харажатларининг **50 фоизини** Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш бўйича вақтинчалик тартибини;

б) Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **тадбиркорлик субъектла-**

рига Мўғулистондан майда шохли молларни олиб келиш учун **молиявий кўмак бериш бўйича вақтинчалик тартибини.**

15. Транспорт вазирлиги **ўн кун муддатда:**

а) Ветеринария кўмитаси билан биргаликда **майда шохли молларни** Мўғулистондан Ўзбекистонга **ҳаво транспорти** орқали олиб келиш;

б) Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Ўзбекистондан Мўғулистонга **ҳаво транспорти** орқали экспорт қилишни ташкил этиш чораларини кўрсин.

16. Ветеринария кўмитаси **бир ҳафта муддатда** Мўғулистондан импорт қилинадиган майда шохли моллар насли, вази ва ёши бўйича талабларни ишлаб чиқиб, ҳудудлар ва тадбиркорларга етказсин.

17. **2025-2026 йилларда** Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича **“йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қуйидагилар белгилансин:

а) **қишлоқ хўжалиги вазири И.Абдурахмонов** — Мўғулистонда сабзавот ва полз экинларини етиштириш ҳамда аграр соҳада илмий ҳамкорликни самарали йўлга қўйишга;

б) **қишлоқ хўжалиги вазири И.Абдурахмонов** ва Ветеринария

кўмитаси раиси Б.Норқобилов — Мўғулистондан Ўзбекистонга импорт қилинадиган майда шохли молларни ҳаво транспортда олиб келиш харажатларининг бир қисmini қоплаб беришга;

в) Ветеринария кўмитаси раиси **Б.Норқобилов:**

1) Мўғулистондан майда шохли молларни Ўзбекистонга импорт қилиш ҳамда наслчилик ва селекция ишларини ривожлантириш орқали уларнинг сонини маҳаллий шароитга мослаштирган ҳолда **2029 йил якунига қадар 1 миллион бошга** етказиш;

II) Мўғулистондан олиб келинадиган майда шохли молларни маҳаллий шароитга мослаштириш, уларни кўпайтириш бўйича чораларнинг натижадорлиги, тақдим этилган имтиёزلарнинг самарадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига **ҳар ой якуни билан ҳисобот қиритиб боришга;**

г) **Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори И.Эргашев** — Мўғулистонга мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳамини кескин оширишга;

д) **Савдо-саноат palatasi раиси Д.Вахобов** — Мўғулистондан Ўзбекистонга импорт қилинадиган майда шохли молларнинг жунини қайта ишлашга.

19. Қарор ижроси учун масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш Бош вазир ўринбосари **Ж.А.Ходжаев** зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Тошкент шаҳри, 2025 йил 17 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тўрткўлнинг замонавий қиёфаси қандай яратилмоқда?

Бошланиши 1-бетда

Ҳа, ушбу замонавий уйнинг умумий қиймати 53 миллиард сўмини ташкил этади. Унинг қурилиш ишлари 2024 йилнинг декабрь ойда бошланган. Иш пухта-пишиқ бўлиши учун қурувчилар шошаётгани йўқ. Шу боис, ушбу катта лойиҳани 2026 йил сентябрь ойда фойдаланишга топшириш режа қилинган. Лўнда қилиб айтганда, бугун Тўрткўл хар томонлама ривожланмоқда. Қурилиш ва ободонлаштириш ишлари авжида. Бундан туман аҳли мамнун.

Албатта, тўрткўлликлар ана шундай замонавий уйлари бемалол сотиб олишга қурби етиши учун иқтисодий аҳволи яқши бўлиши керак. Шунинг учун туманда тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор берилляпти. Шулардан бири “Заводхос Агро” корхонасидир. Ушбу корхонага 1,5 миллион доллар хоржий инвестиция жалб этилган. Натижада Житойдан асбоб-ускуналар олиб келиниб, полиэтилен тўр ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мухими, корхона сабаб ҳудудда яшайдиган 69 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди.

— Корхонамиз кунига 6-7 минг метр полиэтилен тўр ишлаб чиқармоқда. Ушбу тўрдан асосан, деҳқонлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини куёшдан ҳимоялашда фойдаланмоқда. Маҳсулотларимиз нафақат ички бозорда, балки чет давлатларга ҳам экспорт



қилинляпти. Мухими, маҳсулотимиз экологик тоза ва қайта ишлаш имконини ҳам беради. Шунингдек, ходимларимиз ҳар 6 ой ва бир йилда Житойга бориб, малака ошириб келади. — дейди корхонанинг иш юритувчиси Ихтиёр Каримов.

“Харакалда — баракат” деганларидек, тўрткўллик ишбилармонлар берилётган тўмондан ва имтиёزلардан оқилана фойдаланмоқда. Тумандаги Тўрткўл маҳалласида яшовчи яқна тартибдаги тадбиркор Гулзира Хўжаниёзова ҳам муваффақиятли ишбилармонлардан бири. У чарм маҳсулотларидан махсус бош

қийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Шу орқали тадбиркор аёл маҳаллий ишлаб чиқариш ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Цехимиз 60 квадрат метр майдонда жойлашган бўлиб, у йилига 950 дона махсус бош кийим ишлаб чиқариш қувватига эга. Ушбу лойиҳа орқали 7 кишининг бандлигини таъминладик, — дейди Гулзира Хўжаниёзова.

Тадбиркор бугун ўз маҳсулотларини Россияга ҳам етказиб бермоқдаки, бу корхонанинг рақобатбардорлиги ва экспорт салоҳияти юқори эканидан далолат беради.

Шунингдек, тумандаги Беруний маҳалласида Ойсултан Алламова аёллар сумкаларини ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳани муваффақиятли бошлаган. Мазкур тадбиркор йилига 10 минг дона сумка ишлаб чиқариш имконига эга бўлиб, кўплаб янги иш ўринини яратди.

— Ушбу лойиҳамизнинг умумий қиймати 200 миллион сўм бўлиб, шундан 150 миллион сўми ўз маблағларимиз ва 50 миллион сўми банк кредити ҳисобидан қопланган. Маҳсулотларимизни ички бозорга етказиб бермоқдамиз. Келажакда фаолиятимизни кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари яратишни мақсад қилганман, — дейди Ойсултон Алламова.

Тўрткўл туманида “Cristall mega star” масъуляти чекланган жамияти томонидан 5 та бренд остида кир ювиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳсулотлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги ички бозорларга кириб бормоқда. Айна пайтда экспортга ҳам йўналтириляпти. Асосийси, корхонада 15 фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Қолаверса, сифатли ва замонавий тиббий хизматлар кўрсатадиган иккита янги клиника ишга туширилиши туман аҳолиси учун ажойиб янгилик бўлди. Бу клиникалар нафақат соғлиқни сақлашга хизмат қилляпти,

балки янги иш ўринларини яратиб, ҳудуд ривожига ҳам ҳисса қўшмоқда.

— Маҳалламизда ишга туширилган ҳар иккала клиника ҳам энг сўнгги русумдаги тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Унда юқори малакали шифокорлар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни мақсад қилган. Бу нафақат маҳалламиз, балки Тўрткўл аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади деб умид қиламиз, — дейди “Галаба” маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдამчиси Шамсуддин Сабуров.

Бугун юртимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида шукроналик туйғуси жўш ўрмоқда. Сабаби оддий: юртимиз тинч, бозорларимиз тўкин, муҳими, одамларни рози қилишга қаратилган ишлар бир лаҳза ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Янги Ўзбекистондаги узокни кўзлаган ислохотлар, халқ манфаатларини устувор билиш, иқтисодиётни ривожлантириш йўлидаги сазй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

— Деҳқончилик ортидан рўзгоримизни обод қилиб ўтирибмиз, меҳнат қилсанг, кам бўлмайсан, — дейди Ўзбекистон маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳайитнопа. — Телевизорда кўряпмиз, баъзи юртлар нотинч. Ватанимиздаги тинчлик учун шукрона қиламиз. Осойишта ҳаёт — бебаҳо неъмат. Айнан шу неъмат тўғрисида эмин-эркинликда фарзандларимиз камолини кўриб, оила даврасида бахтли ҳаёт кечирмоқдамиз. Шундай юртда ҳамма кўздан келганча ҳалол меҳнат қилиши, эзгу ишлар билан бир-бирига иборат бўлмоғи керак.

Бў сузлар замирида катта ҳақиқат мужассам. Тинчлик бор жойда меҳнат қадрланади, ризқ баракали бўлади.

Минажатдин КУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Муносабат КЕЛАЖАК УЧУН ҲАРАКАТНИ БУГУНДАН БОШЛАНГ

Президентимиз ҳудудларга ташрифи, видеоселектор йиғилишлари, аҳоли билан мулоқотлар чоғида янги Ўзбекистонни биргаликда қуришимизни айтиб, юртдошларимизнинг фаол бўлиш, ислохотлар қарвонидан ортда қолмай, янги гоё, истиқболли лойиҳа, манфаатли стартлар, турли йўналишларда тараққиёт йўлидаги ташаббуслар билан ҳам ўзи, ҳам давлат ва жамият ривожига ҳисса қўшишга даъват этиб келади.

Жумладан, давлатимиз раҳбари 2025 йил 14 февраль кунини ёшлар билан ўтказган очиқ мулоқоти, 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан ташкил этилган байрам тадбири ҳамда 19 мартдаги кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашувдаги самимий мулоқотларига нафақат барчани фаолликка қорлади, балки уларнинг йўл-фиқрлари, ташаббусларини ҳаётга татиқ этиши учун тўсқин бўлаётган омиларни ўрганиб, энг мақбул ечимларни кўрсатди. Мулоқотлардан сўнг айна шу қатлами қамраб олган қонун ҳужжатлари — Президентнинг тегишли фармон ва қарорларини қабул қилинган ҳам сўзимизни исботлайди.

Айниқса, шу йил 14 июлдаги “Ислохотларни амалга оширишда истиқболли ташаббусларни янада қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон айна шу — самарали ва халқчил ислохотларда кенг жамоатчилик ва жамиятнинг турли қатламлари вакиллари, хусусан, етук мутахассислар, ёшлар, тадбиркорлар, фаол фуқаролар ва ватандошларнинг иштирокни қўллаб-қувватлашни қаррасида ошириш мақсадида қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, замонавий, илгор гоёлар ва истиқболли ташаббусларни саралаш, танлаб олиш ва ҳаётга татиқ этишининг самарали механизмлари жорий қилинадиган бўлди.

Безиз юқорида очиқ мулоқотларини ёдга олганимиз йўқ. Жумладан, Президентимиз 14 февраль кунини ёшлар билан учрашувда ўзининг истеъдоди, билим-салоҳияти ҳамда янги ташаббус ва лойиҳалар билан тенгдошларига ўрнатиб бўлаётган ёшлар билан суҳбатлашди. Ўзбек ёшларининг инглиз тилини мукамал ўрганишига кўмаклашадиган “linguabago” онлайн ўқув курси муаллифи Барно Аскарова, ёмғир сувини ичимлик сувга айлантириш лойиҳаси билан халқаро танлов голиблари бўлган Пахлавон ва Асилбек, интернетда илмий контентлари билан 700 минг обуначига эга бўлган Жаҳонгирмирозо Иброҳимов, бир миллион 600 минг китобхонни қамраб олган “Мутулаа” платформаси асосчиси Сирожиддин Олимов, онлайн шахмат мактаби — “Uzchess” асосчиси Улуғбек Исмаилов билан фикр алмашди. Уларнинг лойиҳаларини янада омаллаштириш, мана шундай лойиҳалар сонини кўпайтириш учун қандай шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлар яратиш кераклиги тўғрисидаги ёшларнинг таклиф-мулоҳазаларига қулоқ тутди.

19 мартда кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан ўтказилган учрашувда эса мамлакатимизда муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятини юритаётган ишбилармонлар билан фикр алмашиб, уларни қийнаб келадиган муаммоларини ҳал этиш бўйича топшириқлар берди. Биргина мисол, учрашувда Марказий Осиёда ягона бўлган юқори технология бионик протез (қўл, оёқ), экзоскелет ишлаб чиқарадиган тадбиркор Мустафо Мингбоевнинг ногиронлиги бор одамларга хизмат

кўрсатиши учун ўзига хос қўлайликларга эга бинога эҳтиёжи борлигини эшитиб, давлатимиз раҳбари шу жойининг ўзида тадбиркорнинг муаммосини ҳал этди.

Бу мисолларни келтиришимиздан мақсад — давлат ва жамият учун фойдали тадбиркорлар ёки ишланувчан юртдошларимизнинг истиқболли лойиҳалари баъзида кичик сабабларга қўра ривожланмаслигини ёки умуман ҳаётга татиқ этишга имтиёзли қўлиб кетиши мумкин. Айрим истиқболли ташаббуслар учун алоҳида эътибор, ўзига хос шароит керак бўладими, улар давлат ва жамият ривожига ҳисса қўшиши, халқимиз фаровонлиги йўлида катта наф келтириши мумкин.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриш мумкинки, юртдошларимиз орасида янги фикр, гоёга бой, салоҳияти юқори, дунёқараш кенг инсонлар бисёр. Фақат уларни излаб топиш, саралаш ва рўёбга чиқишига туртки бериш керак, ҳолос.

Фармон билан ташкил этилган “Келажак учун” истиқболли ташаббуслар форуми айна шу мақсадда амалга оширилмоқда. Ҳар йили бир марта ўтказилadиган форум йил давомида ташаббусли лойиҳаларини йиғиб, саралаб боради. Унинг доирасида топ лойиҳалар танлаб олинadi. ТОП-10 истиқболли лойиҳалар давлатимиз раҳбари иштирок этадиган форум йили мажлисида тақдимот қилинади. Уларни ҳаётга татиқ этиш бўйича барча керакли чора-тадбирлар амалга оширилиши назарда тутилмоқда. Хусусан, ташаббуслар оқибатини юртдошларимизга истиқболли стартларини йўлга қўйиши учун кредит ва грантлар ажратилиши, солиқ, божхона ва бундай рағбатлантиришлар берилиши режалаштирилмоқда.

Қувончларини, форум учун топширилган лойиҳаларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмади. Уларнинг ҳаётга татиқ этилиши учун керакли шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилди. Форум ҳақида маълумотлар олиш, унда иштирок этиш учун анкета юбориш онлайн шаклда, янги ишга тушириладиган “крауд” платформаси орқали ортиқча қозғовозликларсиз, шаффоф тарзда бўлиши танловга ишончини янада орттиради.

Форум мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилadиган янги бизнес стартларни, ижтимоий лойиҳаларни саралайди ва истеъдодли, форум ҳақида маълумотлар олиш, унда иштирок этиш учун анкета юбориш онлайн шаклда, янги ишга тушириладиган “крауд” платформаси орқали ортиқча қозғовозликларсиз, шаффоф тарзда бўлиши танловга ишончини янада орттиради.

Зеро, адибларимиздан бири айтганидек, истеъдодларни асраш, қўллаб-қувватлаш керак. Жамиятда ўз ўрнини топа олган истеъдодларнинг ривожига ҳаммадан ҳам кўпроқ фойда келтиради.

Санжар ЭШМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВ — ҚАДР-ҚИММАТ, ЭРКИНЛИК ВА АДОЛАТ-ГАРОВИ



Сайдбек АЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди эксперти,
2-даражали адлия
маслаҳатчиси

Бошланиши 1-бета

Гап инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳақида борар экан, мустақил ва одил судловга эришиш масаласи бу борада муҳим ўринга чиқади. Бинобарин, мустақил ва кучли суд ҳокимияти инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг устувор йўли, демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий омилidir.

Ортимизда одил судловга эришиш мақсадида соҳа тубдан ва изчил ислоҳ қилинмоқда. Сўнгги саккиз йилда судларга доир 70 га яқин қонун, фармон ва қарор қабул қилинди. Уларнинг моддий-техник базаси яхшиланди. 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб судларнинг ички ҳужжатлари айланмаси тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Бу каби кўрилатган чоралар, яратилган қўлайликлар натижасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг судларга ишончи ортиб бормоқда. Бундан ташқари судларда 3 миллиондан ортиқ масала кўриб чиқилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бунинг негизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловни сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш, судьялар ҳамжамияти органлари ролинини ошириш ётибди.

Албатта, бугунги судлар фаолияти 7-8 йил олдинги судлар фаолиятидан тубдан фарқ қилади. Бунга осонликча эришилгани йўқ, кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва либераллаштириш, аҳоли ва тадбиркорлар ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд ҳокимиятининг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биринчидан, Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 2017 йил 1 апрелдан Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларига одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим ўзгаришлар киритилди.

Жумладан, жиноятни содир этишда гуноҳ қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидagi эҳтиёт чораларини қўллаш, шунингдек, дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга, фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибидa қайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилиши каби муҳим вазифалар белгиланди, булар анчадан буюн ушбу жараён қатнашчиларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиб келатган эди.

Иккинчидан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Олий суд ва Олий ҳўжалик суди фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий ишлари бўйича суд ҳокимиятининг ягона олий органига — Олий судга бирлаштирилди.

Кейинчалик вилоят, шаҳар ва туман даражасидagi судлар ягона судларга бирлаштирилиб, ягона тизим яратилди, бу эса аҳолининг судларга мурожаат қилиш жараёнини сезиларли даражада, аниқроғи, жиддий тарзда энгиллаштирди.

Учинчидан, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал кодекслар ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс янги тахрирда қабул қилинди.

Тўртинчидан, 2018 йил 4 апрелда “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Жиноят кодексига далилларни ва тезкор-қидирув фаолияти натижаларини қалбақлаштириш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи моддалар киритилгани учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги янада оширилди.

Ушбу ислохотлар натижасида **таъин остида олинган кўрсатувлардан далил сифатида фойдаланишга чек қўйилди.** Суд ишларини таҳлил қилганда улар фақат суд муҳофазаси давомида ҳар томонлама текширилган ва аниқланган далилларга асослангани аниқланади.

Бешинчидан, Президентимизнинг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг маънавиятини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

2020 йил 1 сентябрдан бошлаб судьялик лавозимларига фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланиши белгиланди. Бу борада яна шундай тартиб ўрнатилдики, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқиш дастурини бажармаган ёки тақлиф этилган судьялик лавозимини эгаллашни рад этган тингловчилар ўқиш



эркинликларини ҳар кимга тугилганидан бошлаб тегишли бўлади”, “бевосита амал қилади”, “яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади”, деган нормалар мустаҳкамланди. Ушбу нормалар миллий қонунчилик тизимида асосий ҳисобланади,

деган олижаноб мақсад белгиланган. Яъни ушбу нормада биз **“Инсон — жамият — давлат”** тамойилининг амалий ифодасини кўришимиз мумкин.

Мустақил ва кучли суд ҳокимияти демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий институти сифатида эътироф этилган. Юқорида айтганимиздек, мамлакатимизда миллий суд-ҳуқуқ тизими кенг қамровли ислоҳ қилинмоқда. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалда ва самарали ҳимоя қилишни таъминлаш, судьялар ҳамжамияти ролинини ошириш, шунингдек, қонун устуворлиги принципи сўзсиз ривож этишга асосланади.

Суд ҳокимияти тизимида Конституциявий суд алоҳида ўрин эгаллайди. У нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини назорат қилади, балки давлат органларининг ҳуқуқий хулқ-атвори бўйича йўриқномаларни шакллантиради, ҳуқуқий ишончлиликни ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, асосий ҳуқуқий ҳужжат сифатида Конституцияга ишончли мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Конституциямизда белгиланган энг муҳим мақсад — инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлашни бугунги кунда ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Шу боис, қонунчилик ва ижро ҳужжатларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини устуворлиги конституциявий принципи ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг негизидир.

Жумладан, Конституцияда “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудидa олий юридик кучга эга, тўғридан тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади,” деб белгилаб қўйилган.

Конституциямизнинг “тўғридан тўғри амал қилиши” нормаси маъноси унинг қондаларига аниқлик киритувчи ва ривожлантирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ёки йўқлигидан қатъи назар, ҳеч қандай шартларсиз амалга оширилуши лозимлигини аниқлатади.

Янги тахрирдаги Конституцияда белгиланган давлат ва фуқароларнинг бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқлиги фалсафасига биноан, биринчи ўринда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини туради. Қонулар инсонлар мушкулни энгиллаштириб, уларга энг яхши ҳаёт тарзини таъминлашга зарур

“

Суд ҳокимияти тизимида Конституциявий суд алоҳида ўрин эгаллайди. У нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини назорат қилади, балки давлат органларининг ҳуқуқий хулқ-атвори бўйича йўриқномаларни шакллантиради, ҳуқуқий ишончлиликни ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, асосий ҳуқуқий ҳужжат сифатида Конституцияга ишончли мустаҳкамлашга кўмаклашади.

мавжуд бўлгандагина самарали ва тўлиқ амал қилади.

Буларга қуйдагиларни киритиш мумкин:

- функционал, институционал, ташкилий, моддий ва молиявий таъминланганлик;
- конституциявий одил судлов ва судьялар мустақиллиги кафолатлари тизими мавжудлиги;
- ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг қатъий таъминланиши;
- конституциявий одил судловни амалга ошириш, яъни конституциявий суд ишларини юритишнинг яхши йўлга қўйилган механизми;
- конституциявий одил судлов предмети қатъий белгилангани;
- Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга субъектларнинг етарли доираси белгилангани.

Бундан ташқари, конституциявий одил судловнинг етарли даражада моддий ва молиявий таъминлангани, юридик соҳада чуқур билим ва кўникмаларга эга маънавий кадрлар мавжудлиги, жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгининг зарур даражада бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда янги Ўзбекистоннинг муваффақиятли ривожланиши конституциявий тузум барқарорлиги, Конституцияда белгиланган ҳуқуқий кадрият ва нормалар қонунчиликда акс этгани билан ифодаланади. Айнан Конституция жамият ва давлатни демократик ҳуқуқий ривожлантиришнинг асосий ғоялари, норма ва йўналишларини янада мужассамлаштирган ва энг юқори норматив-ҳуқуқий даражага кўтарган.

Умуман олганда, ўтган йиллар давомида мамлакатимизда конституциявий одил судловни ривожлантиришнинг жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбек конституциявий одил судлов тизимининг ўзига хослиги ва хусусиятларидан келиб чиқиб, изчил ривожланиб бораётган конституциявий одил судлов модели яратилди.

Конституциямизда белгиланган энг муҳим мақсад — инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлашни бугунги кунда ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Шу боис, қонунчилик ва ижро ҳужжатларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини устуворлиги конституциявий принципи ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги изчил демократик ўзгаришлар ва ислохотлар ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги, конституциявий одил судловни таъминлаш, шунингдек, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, одил судлов қадр-қиммат, эркинлик ва адолат гаровидир. Бунга эришиш эса кейинги йилларда юртимизда амалга оширилатган ислохотларнинг асосий моҳияти — инсон қадрини улуғлаш, бугунги яшаётган кундан розилигига эришиш, эртанги кунга ишончлини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фуқаролар ва юридик шахсларга уларнинг конституциявий ҳуқуқлари Конституцияга мос келмайдиган муайян иш бўйича қўлланилган қонун билан бузилгани тўғрисидаги шикоятлар билан Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилгани қонуний асосий янгиликларидан ҳисобланади.

Мазкур механизм жорий этилиши Конституциямизнинг ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатини берувчи моддасини ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади.

Конституциявий одил судлов тизими муайян ташкилий-ҳуқуқий шартлар

АГРОСАНОАТ:

ИҚЛИМ ЎЗГАРМОҚДА, ЁНДАШУВ-ЧИ?

ЁХУД САМАРА — ЗАМИН “МЕВАСИ”



Сардор ТОЛИБОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги, иқтисодий мустақиллик ва экологик мувозанатни таъминлашда аграр тармоқ ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки ҳар қандай глобал муаммо у иқтисодий бўладими, сиёсийми ёки табиғий офатми, аввало, халқни озиқ-овқат билан таъминлаш салоҳияти орқали ениб ўтиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги нафақат озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, балки миллионлаб аҳоли учун даромад манбаи, иқтисодийнинг муҳим драйвери, ташқи иқтисодий фаолиятнинг таянч нуқтаси сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Шу боис, аграр соҳадан ҳар бир ташаббус, ҳар бир инвестиция ва ислоҳотлар нафақат тармоқнинг ўзига, балки бутун мамлакат иқтисодий тизимига ижобий таъсир қўрсатади.

Кейинги йилларда юртимизда ҳам қорвачилик ва иссиқхона хўжаликларини, пахта-тўқимачилик кластерларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда узумчилик каби тармоқларни барқарор ривожлантириш, хомашё базасини кенгайтириш ва экспорт ҳажминини ошириш, аграр секторни замонавий, ресурстежамкор техникалар билан таъминлашни рағбатлантириш бўйича янги механизмлар жорий этилмоқда.

Бундай тизимли ёндашув ва амалий қоратдирилган самараси ўлароқ, 2024 йил якунида қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 467 триллион сўмга етди. Бу кўрсаткич, ўз навбатида, соҳанинг барқарор ўсиш суръатлари сақланаётганидан далолат беради. Жумладан, ушбу кўрсаткичнинг 218,8 триллион сўми деҳқончилик маҳсулотларига, 225,8 триллион сўми эса қорвачилик йўналишига тўғри келди.

Қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланиши нафақат бозорни, балки оилалар дастурхонини, яратувчан меҳнатга бўлган ишончини таъминлайди. Шу боис, жорий йилда 517 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, 3,5 миллиард долларлик экспортни амалга ошириш ва 500 миллион доллар инвестицияларини жалб қилиш марраси олинган.

Албатта, бу рақамлар ортда улкан меҳнат, соҳага замонавий техникаларнинг жорий этилиши ва иқлимга мос қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг навларини яратиш масаласи турибди.

Илғор ёндашув ва тажриба ҳосилдорликка йўл очилмоқда

Сўнгги йилларда тўқимачилик sanoati иқтисодийнинг асосий драйверларидан бирига айланди. Яратилган кластер тизими, инвестиция муҳитининг яхшиланиши, экспорт салоҳиятини ошириш натижасида тўқимачилик маҳсулотларига ички ва ташқи бозордаги талаб ортаётди.

Мазкур жараён, ўз навбатида, пахта хомашёсининг аҳамиятини янада оширди. Бу эскича — қўл меҳнати асосланган, паст самарадорликка эга усулларда пахта етиштириш орқали хомашё муаммосини бартараф этиб бўлмаслигини ойдинлаштирмоқда. Бундай шартларда аграр соҳани модернизация қилиш, юқори ҳосилдор ва сифатли

навлардан фойдаланиш, ресурстежамкор агротехнологияларни жорий этиш ҳаётий заруратга айланди.

Курۇқ қошиқ оғиз йиртар, дейишади. Соҳадан амалий натижаларга рақамлар мисолида қарасак, жорий йилда 875,6 минг майдонга маҳаллий ҳамда кўрғоқчиликка ва шўрга, кўсак қурти ва гербицидга чидамли, ҳосилдорлиги 50-60 центнерга, тола чиқими 42 фойздан юқори хорижий навлар экилди.

Бир вақтнинг ўзида аънавий навларни худудларнинг туپроқ-иқлим шароитига мос, касаллик ва зараркундаларга чидамли навларга алмаштириш билан бирга, қўл меҳнатини кам талаб этувчи, тежамкор агротехнологияларни жорий этишни ҳам ўз ичига олган бу тажриба Ўзбекистон пахтачиликда янги даврни бошлаб берди. Жумладан, Хитойдан касаллик ва зараркундаларга чидамли уруғлик чигитлар олиб келиниб, илк маротаба молекуляр-генетик таҳлиллардан ўтказилди, фақат тазалиги 80 фойздан юқори кўрсаткичга эга бўлган уруғлар экиш тизими йўлга қўйилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, экиш схемалари ҳам тубдан ўзгартирилиб, 90 сантиметр яққакатор схемадан тўлиқ воз кечилди. Натижада 1 гектар ер майдонига аввалги 160 минг туп ўрнига 240 минг туп кўчат жойлаштириш имконияти яратилди. Жорий йилда хорижий навлар қарийб 260 минг гектарга экилиб, бир вақтнинг ўзида янги замонавий агротехнологиялар асосида парваришланмоқда. Буларнинг барчаси пахтачиликда ҳосилдорлик ҳамда маҳсулот етиштирувчилар даромадларини оширишга қаратилган муҳим қадамдир.

2024 йилдан бошлаб, фермерларга пахта хомашёсини биржа орқали эркин сотиш имкони яратилди. Шунингдек, имтиёзли кредитлар фермерларга тўғридан тўғри ажратилиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, пахта-тўқимачилик кластерларига 2022-2023

йиллар ҳосили учун ажратилган имтиёзли кредитлардан юзга келган қарздорликларини қайтариш муддати 5 йилга, яъни 2030 йилгача узайтириб берилди. 2024 йил ҳосили учун пахта-галла етиштирувчи фермерларга ажратилган имтиёзли кредитларни қайтариш муддати эса 2025 йил 1 сентябрга қадар узайди.

Бу ташаббуслар ортдан бир вақтнинг ўзида пахта экиш жараёнида нафақат маҳсулот кўпайиши, балки инсон меҳнати ҳам бўлган муносабат ҳам ўзгармоқда. Тежамкор технологиялар, автоматлаштирилган жараёнлар меҳнатнинг самарадорлигини оширади, инсон салоҳиятини юқори қадрлайди. Инсон меҳнати қадрланган жойда эса барака бўлади.

Икки қарра ҳосил — икки баробар имконият

Бугунги глобал озиқ-овқат хавфсизлиги шароитида ҳар бир уруғнинг, ҳар бир қарич еришнинг сўзсиз қиймати бор. Айниқса, қишлоқ хўжалиги салоҳиятини ошириш, ҳар

фоиз камайтириш, ҳосилдорликни эса 110-118 гектарга етказишга эришилди.

Сув ресурслари тобора камайиб бораётган бугунги дунёда шолчиликда бу каби самарадор ёндашувлар, шубҳасиз, келажакда белгиланган омилдор.

Бугун дунё аграр сиёсатининг марказида сув ресурсларини тежаш масаласи турибди. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Қорақалпоғистон, Бухоро, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразмда хорижий тажрибалар асосида томчилатиб суғориш технологияси бўйича пилот лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу усул нафақат сувни тежайди, балки ҳар бир ўсимликка аниқ ва зарур озунча етиб боришни таъминлайди.

Замонавий қишлоқ хўжалиги: ҳар томчи сув, ҳар қарич ер ҳисобда

Қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири техника ва технология билан таъминлаш даражасидир. Жорий йил якунига қадар 6,5 триллион сўмлик 11 мингдан ортиқ замонавий техника ва агрегатларни харид қилиш режалаштирилган. Бу эса механизацияланган, самарадор аграр сектор сари йўл очилаётганидан далолат беради.

Сўнгги йилларда қарийб 2 миллион гектар майдонда сув тежамкор технологиялар жорий қилинди. Бу сувни асраш билан бирга, ҳосилдорликни ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имконини берди. Бундан ташқари, фермер ва деҳқонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар гектар учун давлат томонидан 6-8 миллион сўмлик субсидия ажратилаётгани муҳим рағбат механизмидир. 2024 йилдан эса лазерли текислаш ишларига ҳам молиявий кўмак кўрсатила бошланди.

2025 йилда яна 500 минг гектар майдонда сув тежамкор технологияларни жорий этиш,

бир зарра ресурстан оқилона фойдаланиш нафақат иқтисодий, балки стратегик эҳтиёжга айланиб бораётган бир даврда.

Жорий йил ҳосили учун 997 минг гектар ерда кузги бошоқли дон экинлари экилиб, парвариш қилинди. Илк бор инновацион ёндашув сифатида совиткичи омборларда +1 дан +5 гача ҳароратда 45-60 кун сақланган, яровизация қилинган 260 тонна уруғлик 23 та тумандаги жами 1134 гектар майдонга экилди. Натижада аънавий усулдаги майдонларга нисбатан 2-3 кун аввал униб чиқиши, ўсишдаги жадаллик ҳамда гектарига 1 миллион донагача кўп кўчат олинishi сингари ижобий кўрсаткичлар қайд этилди.

Сўнгги йилларда дуқакки экинлар, хусусан, мош ва нўхат каби маҳсулотларга ташқи бозорларда талаб ортиб бораётгани сабаб, уларни етиштириш масаласи ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда 2025 йил ҳосили учун 61,4 минг гектар майдонга дуқакки экинлар экилиб, янги экспорт занжирини шакллантирилмоқда.

Шу билан бирга, ички бозорда мой маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш ва импорт ҳажминини қисқартириш мақсадида жорий йилда жами 144,7 минг гектар майдонда мойли экинлар экилиши таъминланди. Қўшимча равишда тақририй экишда юқори мойдорлик (40-45 фоиз) ва ҳосилдорликка эга бўлган кунгабоқар навлари учун майдонларни 20 минг гектардан 55 минг гектаргача кенгайтириш белгиланган. Бу нафақат мўл ҳосил, балки иқтисодий самарадорликни кафолатлайди.

Бугунги кунда шолчиликда ҳам бир қатор ютуқларга эришилмоқда. Халқаро тажрибалар асосида шолини кўчат усулида экиш амалиёти йўлга қўйилди. Хусусан, 2024 йилда Андижонда 10 гектар, Сирдарёда 4 гектар ва Тошкентда 2 гектарда илк бор сув мақсадда икки марта шולי экиш тажрибаси ўтказилди. Бу орқали сув сарфини 40-45

20 минг километр ички суғориш тармоқларини бетонлаштириш ва 2,5 миллиард куб метр сувни тежаш бўйича аниқ мақсадлар белгилангани соҳада самарадорлик билан бирга экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Аҳоли сони ортиши билан нафақат озиқ-овқат маҳсулотларига талаб, балки ишлаб бериладиган ерларга эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Бу эса ер ресурсларидан янада самарали ва оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Охириги йилларда фойдаланишдан чиққан ерларни қайта ўзлаштириш ва янги майдонларни иқтисодий айлантириш киритиш ишлари 2024 йилда давомидида 541 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилди, 184 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Бугун бу ерлар қўшимча маҳсулот манбаига айланган.

2025 йилда эса 100 минг гектар майдонни фойдаланишга киритиш ва уларда асосан, озиқ-овқат экинларини экиш режалаштирилган. Бу мақсадда 700 километр янги суғориш тармоқлари қуриш, 2800 километр суғориш ва 286 километр коллектор тармоқларини таъмирлаш, 900 та тик қудуқ ва 92 та насос қурилмаси барпо этиш, 70 та насос агрегатини реконструкция қилиш, 700 километр электр тармоқларини тортиш каби ишлар амалга оширилди. Бу харажатлар нафақат ҳосилдорликни, балки қишлоқда яшаш сифати ва ижтимоий барқарорликни ҳам яхшилайди.

Бугунги кунда дала четларини, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларни экин майдони сифатида фойдаланиш бўйича алоҳида ташаббуслар илгари этилмоқда. Энди қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланганларга имтиёзлар, самарасиз фойдаланганларга эса жарималар белгиланган орқали ҳисоб-китоб, интизом ва самарадорликка асосланган тизим жорий этилмоқда.

Танганинг иккинчи томони бўлганидек, дала четларига экин экиш мажбурийати омма орасида, жумладан, ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Аксарият мутахассислар буни рағбатлантирувчи эмас, балки мажбурий деб баҳолашмоқда. Аслида, дала четига экин экиш яхши имконият. Аммо бу борада қатор саволлар ҳам ўртага чиқмоқда. Дейлик, дала четларига фермер экин ва кўчатлар экиш белгиланган бўлса-да, лекин бу борада фермер билан расмий шартнома тузилмапти. Шунингдек, аксарият мутахассислар еришнинг қайси қисми “дала чети” деб белгиланиши шартлигини таъкидламоқда. Шунингдек, ариқ ва каналларни тозалаш жараёнида уларга туташ “дала четлари”га қадалган экин ёки кўчатлар нобуд бўлиши мумкин. Бу ҳолатда айбдор ким бўлиб қолади?

Йил сайн сув захиралари камаймоқда. Бундай ҳолатда дала четига қиммат экинлар қадаш таваккал иш, чунки сув етмаслиги сабабли улар қуриб қолса, зарар фермер зиммасига тушади. Албатта, бу каби саволларга тегишли ташкилотлар ойдинлик киритса, тизимли ечим берса, фермерлар ҳам меҳнатининг самарасини кўради.

“Иқтисодий самарасиз” дегани энди ўтмишда қолди

Сўнгги йилларда иқтисодий самарасиз, яъни пахта ва галлага нисбатан ҳосили кам бўлган 250 минг гектар ерлар аҳолига тарқатилиб, 850 мингдан ортиқ янги деҳқон хўжаликлари ташкил этилди. Энди бу ерлардан бир эмас, икки марта ҳосил олинмоқда — натижада 9 миллион тоннадан зиёд маҳсулот етиштирилмоқда. Бу рақамлар ортда эса



бир ҳақиқат ётади: ерга ақл билан ёндашилса, ундан барака узилмайдми.

Меҳнат, илм ва ташаббус уйғунлигидаги ушбу тажриба деҳқон хўжаликлари учун янги ҳаёт бошланғичидек бўлди. У энди шунчангир ер эгаси эмас, у мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигининг фаол иштирокчисига айланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳар бир қарор, ҳар бир режа — тадқиқот ва таҳлилга таянган ҳолда белгиланипти. Бу фақат статистика эмас, ўз натижасини бераётган илмий ва инновацион ёндашув саналади.

Бугунги кунда дала четларини, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларни экин майдони сифатида фойдаланиш бўйича алоҳида ташаббуслар илгари этилмоқда. Энди қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланганларга имтиёзлар, самарасиз фойдаланганларга эса жарималар белгиланган орқали ҳисоб-китоб, интизом ва самарадорликка асосланган тизим жорий этилмоқда.

Танганинг иккинчи томони бўлганидек, дала четларига экин экиш мажбурийати омма орасида, жумладан, ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Аксарият мутахассислар буни рағбатлантирувчи эмас, балки мажбурий деб баҳолашмоқда. Аслида, дала четига экин экиш яхши имконият. Аммо бу борада қатор саволлар ҳам ўртага чиқмоқда. Дейлик, дала четларига фермер экин ва кўчатлар экиш белгиланган бўлса-да, лекин бу борада фермер билан расмий шартнома тузилмапти. Шунингдек, аксарият мутахассислар еришнинг қайси қисми “дала чети” деб белгиланиши шартлигини таъкидламоқда. Шунингдек, ариқ ва каналларни тозалаш жараёнида уларга туташ “дала четлари”га қадалган экин ёки кўчатлар нобуд бўлиши мумкин. Бу ҳолатда айбдор ким бўлиб қолади?

Йил сайн сув захиралари камаймоқда. Бундай ҳолатда дала четига қиммат экинлар қадаш таваккал иш, чунки сув етмаслиги сабабли улар қуриб қолса, зарар фермер зиммасига тушади. Албатта, бу каби саволларга тегишли ташкилотлар ойдинлик киритса, тизимли ечим берса, фермерлар ҳам меҳнатининг самарасини кўради.

Чорвачилик — мол-мулк эмас, масъулият

Чорвачилик нафақат деҳқон даромади, балки миллий озиқ-овқат барқарорлигининг асосий шартидир. Шу боис, бугун нафақат гўшт ва сут етиштириш қўламини кенгаймоқда, балки парранданилик, балқичлик каби тармоқларда ҳам сифат, самарадорлик ва бозор талабларига мослашув устувор аҳамият касб этаётди.

Гўшт импорт ҳажмининг ортиб бориши фонида ички ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришга янада жиддий ёндашув талаб этилмоқда. Бу эҳтиёж фақат иқтисодий эмас, балки стратегик ҳисобланади. Зеро, озиқ-овқатни четдан эмас, ўз кучи билан таъминлаш халқ — мустақил ва тинч халқдир.

Ишлаб чиқаришда ўсиш суръатлари бўлса-да, аҳоли ва sanoat қорхоналарини етарли гўшт билан таъминлаш учун импорт кўпаймоқда. Шунинг учун бозорларда гўшт ва гўшт маҳсулотлари нархи тебраниб турибди.

Парранданиликда яратилган қўлай шароитлар натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, бозорларда товуқ гўшти ва туҳум нархи арзонлашишга эришилди. Уттан йилга нисбатан, нарх ўртача 5-10 фоизгача тушди.

Қадрланган меҳнат — тараққиёт асоси

Сўнгги уч йилда маҳсулот етиштирувчиларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилиб, 50 дан ортиқ янги субсидия турлари жорий этилди.

Масалан, сув тековчи технологиялар учун (9 турдаги) 2,5-8 миллион сўмгача, хориждан импорт қилинган қорамол, қўй ва эчкилар учун ҳар бошга 0,4-2 миллион сўмгача, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти тўқсон шароитини янада ортиқ қилиш мақсадида 2022 йилдан бошлаб, 2024 йилдан бошлаб ҳар гектар лазерли текисланган майдонларга 1 миллион сўмдан субсидия ажратилмоқда.

Субсидияларни шаффоф ҳамда инсон омилсиз ажратиш, коррупция омилини камайтириш мақсадида 2022 йилдан бошлаб, “Агротехнология” ахборот тизими яратилиб, барча жараёнлар рақамлаштирилди.

Агротехнология субектларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, турли офат ва хатарлардан қўриқилган зарарларини камайтириш мақсадида Туркия ва Озарбайжон тажрибаси асосида илк бор “Қишлоқ хўжалиги таваккалчилигини сўғурталаш тўғрисида”ги ҳамда қишлоқ хўжалиги субектларининг ўзаро ҳамкорликдаги муваффақиятини таъминлашга қаратилган “Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Республикамизда аграр ва озиқ-овқат соҳасини илмий-инновацион ривожлантириш ва “илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш” интеграциясини самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, Сайхунбод тажрибасини кенг жорий қилиш мақсадида қишлоқ хўжалигида “хонадонбай” усулида илмий лойиҳаларни амалга оширишнинг янги механизми жорий этилди. Бунда, илгор агротехнологиялар, маҳаллий янги нав ва уруғлар, бир мавсумда 3 мартагача ҳосил олиш ҳамда аҳоли даромадини оширишга хизмат қилувчи илмий лойиҳалар хонадонларда амалга оширилди. Мазкур лойиҳалар республиканинг турли худудларида истиқомат қилувчи 80 га яқин хонадонларда ўтказилди.

Биргина мисол, Янгиқўрғон тумани “Булоқбоши” МФЙда истиқомат қилувчи Фарход Йўлдошев, Илҳомжон Турсунов, Маломатхон Тожибоева, Жамолдин Қайюмовлар хонадонларида “Тошкент эртагиси” картошка навидан 75-80 тонна ҳосил олинди.

Шунингдек, асосий экин йиғиштириб олинганидан кейин иккинчи экин сифатида бодирнинг “Марғилон 88” нави экилиб, 5,1 тонна ҳосил олинган ҳамда ҳосилнинг товарроплиги ўртача 90-95 фоизни ташкил этган.

Мазкур хонадонларда 3 марта ҳосил олиш мақсадида шолғомнинг “Муяссар” нави экилиб, 3,5 тонна ҳосил олинган. Ҳосилнинг товарроплиги эса ўртача 90-92 фоизни ташкил этган. Ушбу тажриба ўзига хос намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат маҳсулот етиштиришни кўзлайди, балки, аввало, инсон меҳнати, деҳқон ва фермернинг сай-ҳаракатини қадрлаш, уларнинг имкониятларини кенгайтириш, турмуш даражаси ва даромадини оширишга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланаётган мингларча фермер ва агро қорхоналар учун давлат томонидан яратилган шароит ва кўрсатилган ёрдам амалга оширилмоқда.

Айниқса, богдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликлари каби юқори сармоғли талаб қилувчи йўналишларда бу ёрдам ҳаётини қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан яратилган шароит ва кўрсатилган ёрдам амалга оширилмоқда. Аслида, дала четига экин экиш яхши имконият. Аммо бу борада қатор саволлар ҳам ўртага чиқмоқда. Дейлик, дала четларига фермер экин ва кўчатлар экиш белгиланган бўлса-да, лекин бу борада фермер билан расмий шартнома тузилмапти. Шунингдек, аксарият мутахассислар еришнинг қайси қисми “дала чети” деб белгиланиши шартлигини таъкидламоқда. Шунингдек, ариқ ва каналларни тозалаш жараёнида уларга туташ “дала четлари”га қадалган экин ёки кўчатлар нобуд бўлиши мумкин. Бу ҳолатда айбдор ким бўлиб қолади?

Йил сайн сув захиралари камаймоқда. Бундай ҳолатда дала четига қиммат экинлар қадаш таваккал иш, чунки сув етмаслиги сабабли улар қуриб қолса, зарар фермер зиммасига тушади. Албатта, бу каби саволларга тегишли ташкилотлар ойдинлик киритса, тизимли ечим берса, фермерлар ҳам меҳнатининг самарасини кўради.

Гўшт импорт ҳажмининг ортиб бориши фонида ички ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришга янада жиддий ёндашув талаб этилмоқда. Бу эҳтиёж фақат иқтисодий эмас, балки стратегик ҳисобланади. Зеро, озиқ-овқатни четдан эмас, ўз кучи билан таъминлаш халқ — мустақил ва тинч халқдир.

Ишлаб чиқаришда ўсиш суръатлари бўлса-да, аҳоли ва sanoat қорхоналарини етарли гўшт билан таъминлаш учун импорт кўпаймоқда. Шунинг учун бозорларда гўшт ва гўшт маҳсулотлари нархи тебраниб турибди.

Парранданиликда яратилган қўлай шароитлар натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, бозорларда товуқ гўшти ва туҳум нархи арзонлашишга эришилди. Уттан йилга нисбатан, нарх ўртача 5-10 фоизгача тушди.



Кун мавзуси



АБИТУРИЕНТЛАРДА ТАНЛОВ ИМКОНИАТИ КЕНГАЙГАНИ ИЖОБИЙ ҲОДИСАДИР

маҳаллий давлат ОТМлари абитуриентлари статистикасида акс этмайди. Лекин улар ҳам олий таълим олишдек эзгу мақсад йўлидаги фаол иштирокчилардир. Уларнинг бу танлови ёшларимизнинг ўзига ишончи ортганидан, дунёқараши кенгайиб, нафақат маҳаллий, балки глобал меҳнат бозорига ҳам бемалол рақобат қила олишга интиляётганидан далолат беради.

Учинчи ва эҳтимол энг фундаментал ўзгариш ёш авлодининг ҳаётини қадриятлари ва муваффақият ҳақидаги тушунчалари трансформациясидир. Жамиятимизда узоқ йиллар давомида кўштироқ ичидаги бир стереотип ҳукмронлик қилди: олий маълумотли бўлиш ўзинга хос обрў, ижтимоий овлик белгиси, ҳатто ўйланмиш ёки турмушга чиқишда ҳам муҳим саналарди. Кўпчилик учун қайси соҳада бўлишдан қатъи назар, қандайдир дипломга эга бўлиш ҳаётини мақсадга айланиб қолганди. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат бозорига жиддий номуносибликлари келтириб чиқарди. Иқтисодиётга реал фойда келтира олмайдиган, амалий кўникмалари йўқ, аммо қўлида диплом бор кадрлар армияси шаклланди. Бугунги авлод, интернет ва глобал аҳборот оқими шароитида улғаяётган ёшлар анча прагматик ва натижага йўналиштирилган ҳолда фикрламоқда. Улар учун диплом шунчаки

обрў учун керак бўлган қоғоз эмас, ҳалқа реал ҳаётда ўз ўрнини топиш, муносиб даромад манбаига эга бўлиш ва ўзини шахс сифатида намоян этиш воситасидир.

Тўртинчи саноат инқилоби шароитида шундай замонавий касблар пайдо бўлмоқдаки, уларни эгаллаш учун тўрт йил университет партасида ўтириш шарт эмас. Ахборот технологиялари (дастурлаш, маълумотлар таҳлили, киберхавфсизлик), рақамли маркетинг, СММ, график дизайн, логистика, мобил иловалар яратиш каби ўнлаб соҳалар шулар жумласидан. Олти ойлик ёки бир йиллик интенсив курсларда ўқиш, амалий кўникмаларни чуқур эгаллаган Ай-Ти мутахассиси бугунги кунда меҳнат бозорига анъанавий йўналишни битирган кўплаб бакалаврлардан кўра анча талабгор ва юқори маошли бўлиши мумкинлигини ёшлар жуда яхши тушуниб етди. Улар вақт энг қимматли ресурс эканини англаган ҳолда ўз умрини ва ота-оналарининг маблағларини сарфлаш ўрнига, анқ бир хунари еки касбини тезроқ эгаллаб, 20-21 ёшидаёқ меҳнат фаолиятини бошлашни, молиявий мустақилликка эришишни афзал билмоқда. "Бир миллион ўзбек дастурчи" каби кенг қўламли лойиҳалар, шунингдек, юртимизнинг ҳар бир ҳудудида очилётган замонавий ўқув марказлари ушбу интилишни қўллаб-қувватламоқда. Бу ёшларнинг илму бағарлиги эмас, аксинча, ўз келажига ўта масъулият билан ёндашаётганини, ҳаётга анқ режалар билан қадам қўяётганини кўрсатди. Улар анъанавий таълим йўналишларига қўрқунча эргашмай, ўз қизиқишлари, салоҳияти ва энг муҳими, бозор талабларидан келиб чиқиб, оқилона йўл танламоқда.

Албатта, бу жараёнлар давлат олий таълим муассасаларига бепарволик ва хотиржамликка берилиш учун асос

сабоб бўларди. У даврлар энди ортда қолди. Бугунги Ўзбекистонда таълим ландшафти тубдан ўзгарди. Мамлакатимизда нодавлат, хусусий ва нуфузли хорижий университетлар тармоғи жадал суръатлар билан шаклланиб, таълим хизматлари бозорининг тўлақонли иштирокчиларига айланиб улгурди. Тошкентдаги Вестминстер, Турин политехника университетлари каби дастлабки қалдирғочлар ортидан бугун пойтахт ва ҳудудларда ўнлаб хорижий олийгоҳлар филиаллари, шунингдек, миллий инвесторлар томонидан ташкил этилган, замонавий моддий-техник базга ҳамда илгор дастурларга эга хусусий университетлар муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ушбу таълим муассасалари абитуриентларга шунчаки муқобил вариант эмас, балки бутунлай янги ҳаёт тарзини таклиф этмоқда. Улар кўпинча меҳнат бозорига энг талабгор бўлган бизнес бошқаруви, ахборот технологиялари, халқаро ҳуқуқ, туризм ва дизайн каби йўналишларга эътибор қаратади. Уларнинг қабул жараёни Давлат тест маркази имтиҳонларидан мустақило бўлиб, кўпинча халқаро стандартларга яқин — тил билиш сертификати, мотивацион иншо ва сўхбат каби бошқичларни ўз ичига олади. Бу эса абитуриентга ўзининг нафақат ёдлаган билимининг, балки шахсий фазилатлари, дунёқараши ва танлаган соҳасига иштиёқини намоян этиш имконини беради. Натижада илгари фақат давлат ОТМлари статистикаси "ҳавасида" тўпланган абитуриентлар оқимининг салмоқли ва энг фаол қисми энди мана шу янги имкониятлар ўзларига бурилмоқда. Ёшларимиз энди барча умидини битта имтиҳонга боғлаб, тавakkал қилишни истамаяпти. Улар ўз билим ва салоҳиятини реал баҳолаб, бир вақтнинг ўзида ҳам давлат, ҳам хусусий, ҳам хорижий ОТМга



Абдувахоб БҮРИЕВ, Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети бўлим бошлиғи

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб ҳаяжон ва улкан умидлар ҳукмрон. Минглаб йигит-қизлар бир неча йиллик заҳматли меҳнат ва тайёргарликнинг якуний палласида — давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари жараёнида иштирок этмоқда. Ҳар бир тест варақаси ортида бир инсоннинг келажак орзулари, умидлари ва интилишлари муҳасам.

Дарҳақиқат, бу юртимизда анъанавий тарзда йилнинг энг муҳим ва масъулиятли даврларидан бири саналади. Айнан мана шундай муҳим паллада ижтимоий тармоқларда муҳокамаларга сабаб бўлган бир мавзу очилди: жорий йилда давлат ОТМларига кириш учун тест синовларида иштирок этувчи абитуриентлар сони сўнгги етти йилда энг паст кўрсаткичи ташкил этиб, 700 мингга ҳам етмади. Бир қарашда бу статистик маълумот аксариятининг сергак тортиради, ёшларнинг илму, олий таълимда иштиёқини сўниб бораётганидек, таълим тизимида қандайдир инқироз юз бераётгандек ташвишли хаёлларга етаклаши мумкин. Ахир 2020 йилда бу рақам қарийб бир ярим миллионга етган эди-ку! Аммо вазиятга шомша-шошарлик билан баҳо беришдан тийилиб, жараённинг туб

Давлат ОТМларига кириш учун ариза топширган абитуриентлар сони камайишини салбий ҳодиса ёки таълим тизимидаги муваффақиятсизлик сифатида талқин қилиш воқеликни нотўғри баҳолаш бўлар эди. Бу, аксинча, мамлакатимиз таълим тизимида юз бераётган соғломлашиш, модернизация ва эркинлашув жараёнларининг табиий ва мантиқий натижасидир.

моҳиятига чуқурак назар ташласак, бу аслида хавотирга эмас, балки хурсандликка сабаб бўладиган, мамлакатимиз таълим ва ижтимоий ҳаётидаги соғлом ва ижобий ўзгаришларнинг табиий натижаси эканига амин бўламиз. Бу рақамлар пасайиш эмас, балки танлов, имкониятлар ва энг асосийси, ёш авлод тафаккурининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётганидан далолат берувчи муҳим индикатордир.

Ҳар қандай таҳлилни объектив далиллардан бошлаш мақсадга мувофиқ. Мамлакатимизда олий таълим билан қамров даражаси ҳеч қачон бугунгидек юқори чўққига чиққан эмас. Узоқ йиллар давомида бу кўрсаткич кам фойзал атрофида тебраниб турган, бу кўплаб иқтидорли ёшлар учун олий таълим эшикларини очиб қийин эканини аниқларди.

Сўнгги йилларда таълим жамият ривожининг бош устувор йўналиши сифатида белгиланиб, соҳадаги туб ва фундаментал ислохотлар тўғрисида бугун қамров даражаси кескин ошди. Натижада ёшларимизнинг олий таълимга олиш имконияти ҳам кенгайди. Шундай экан, давлат ОТМларига ҳужжат топшираётган абитуриентлар сонининг статистика камайиши умумий манзарога соя сола олмайди. Бу ҳодиса аслида таълим олиш имкониятларининг бир қилинган чўқиб, диверсификация қилиниши, яъни хилма-хиллашувни фондида юз бермоқда. Бундай мураккаб, аммо ижобий жараённинг бир-бирини тўлдирувчи фундаментал сабаблари мавжуд.

Энг асосий омил таълим бозорига соғлом рақобат муҳити ва танлов эркинлиги пайдо бўлганидир. Яқин ўтмишда ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун олий таълим олишнинг дерили ягона йўли давлат университетларига кириш эди. Айни ҳолат тизимда сунъий равишда ўта юқори рақобатни вужудга келтирарди. Бир ўринга ўнлаб, баъзан эса юзлаб абитуриентнинг давтаровил қилиниши кўплаб йигит-қизларнинг бир неча йил умрини фақат тестга тайёрланиш билан ўтказишига, муваффақиятсизликка учраган тақдирда эса тушунликка тушишига

бўла олмайди. Аксинча, жиддий чақирув, ўзгаришлар учун кучли турткидир. Энди давлат ОТМлари ўзининг кўп йиллик тарихи ва фундаментал базасига ишониб ўтира олмайди. Улар ҳам энди таълим бозорининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида ҳар бир абитуриент, ҳар бир талаба учун курашишни керак бўлади. Мазкур ҳолат биз, университет ходимларини, профессор-ўқитувчиларни янада кўпроқ ишлашга, ўз устимизда тинимсиз ишлашга, таълим дастурларини тубдан қайта қўриб чиқишга мажбур қилади. Энди шунчаки маъруза ўқиш, назария бериш билан қифояланиб бўлмайдиган давр келди. Ўқув режаларини бевосита иш бериувчилар талабларига мослаштириш, амалиёт соатларини кескин ошириш, дуал таълим элементларини кенг жорий этиш, талабаларни ўқиб даридаёқ реал лойиҳаларга жалб қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқдир. Давлат университетлари ўзининг кучли жиҳатлари — кучли илмий мақталари, фундаментал тадқиқотлар ўтказиш имкониятлари, бой кутубхона фондлари ва академик анъаналарини замонавий менежмент ва маркетинг билан уйғунлаштириш олиши зарур. Шундангина улар хусусий ва хорижий рақобатчилар билан беллашувда ўз ўрнини сақлаб қола олади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, давлат ОТМларига кириш учун ариза топширган абитуриентлар сони камайишини салбий ҳодиса ёки таълим тизимидаги муваффақиятсизлик сифатида талқин қилиш воқеликни нотўғри баҳолаш бўлар эди. Бу, аксинча, мамлакатимиз таълим тизимида юз бераётган соғломлашиш, модернизация ва эркинлашув жараёнларининг табиий ва мантиқий натижасидир. Ёшларимизнинг тафаккури ўзгариб, улар шунчаки "ўқишга кириш" ни эмас, балки сифатли таълим олишни, замонавий ва талабгор касб эгаллашни ҳамда глобал миқёсда рақобатбардор бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяётганидан далолатлади. Ушбу тенденция юртимиз иқтисодиёти учун ҳам жуда фойдалидир, чунки у меҳнат бозорини турли малака даражасидаги, турли соҳа вақиллари билан тезкор ва самарали тўлдириб имконини беради. Ёшларимизнинг танлов имконияти кенгайгани эса мамлакатимизнинг эртанги кунини учун фақат ва фақат ижобий пойдевор яратди. Зеро, фақат йўлини онгли равишда танлаган, кучига ва салоҳиятига ишонган, танқидий ҳамда креатив фикрлайдиган авлодга Учунчи Ренессансинг барпо этишга, яъни Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқишга қодир бўлади.



Илм-фан ютуқлари

ЯНГИ МАРРА ЗАБТ ЭТИЛДИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИЛАР ХАЛҚАРО КИМЁ ОЛИМПИАДАСИДА ЭНГ ЯХШИ НАТИЖА КўРСАТДИ

Бошланиши 1-бетда

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузурдаги Фан олимпиадалари маркази маълумотларига кўра, 2020 йилда 26 нафар, 2021 йилда 41 нафар, 2022 йилда 45 нафар ўқувчи голибликни қўлга киритган. 2023 йил юртимиз ўқувчилари томонидан 91 та, ўтган йили 128 та медаллар жамғарилди. 2025 йилнинг 6 ойида эса ўқувчиларимиз 17 та халқаро олимпиадаларда муносиб иштирок этиб, 170 та медални қўлга киритди.

Муваффақият сирини

— 2022 йилдан буён Халқаро кимё олимпиадасида қатнашиб келяпмиз. Унда айнан бизнинг мактабдан голиблар кўп бўлиши аслида табиий ҳолат. Бунда ҳаммаси шаффоф. Беллашувлар Фан олимпиадалари маркази томонидан ташкил этилади. Аввало, мактаб, кейин туман, шаҳар бошқичлари ўтказилиб, сараланган ўқувчилар республика босқичида яна 3 марта сараланади. Ўзбекистон номидан халқаро олимпиадада қатнашниш учун эса энг кучли 4 талик олинади. Саралашлар орасида ўқувчиларга тренинг дарслар ўтилиб, умумий терма жамоа шу тарзда тайёрланади. Биз ҳам ўқувчиларимизни саралала олиб, мактабимизда олимпиада гуруҳи ташкил қилганмиз. Натижаларимиз йилдан йилга ўсиб бораётганида, албатта, берилаётган имкониятлар муҳим омил бўляпти. Нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчи ҳам муносиб рағбат оляпти. Бу ҳам асосий омиллардан бири. Чунки бундай рағбат ўқувчининг ҳам, ўқитувчининг ҳам ўз устида кўпроқ ишлашга ундапти. — дейди ихтисослаштирилган мактабнинг Халқаро олимпиадаларга тайёрлаш маркази тренера Моҳири Болтаева.


Тренер ўқитувчи таъкидлаганидек, бундай ихтисослаштирилган мактаблар жуда катта умидлар билан ташкил этиляпти. Давлатимиз раҳбари

таълим муассасаларида кимё ва биология фанларини ўқитишда Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб таянч методик бўғин бўлиши шартлигини айтганди. Зеро, замон талабларига мос мактаб, ўқув ва лаборатория биноларидаги қўлайликлар, янги ускуна ва жиҳозларнинг барчаси илмий салоҳиятни ўстириш, республикада етакчи бўлишга хизмат қилиши кўзда тутилган. 2022 йили 56-Халқаро Менделеев олимпиадасининг 3-босқичи ушбу мактаб лабораториясида ўтказилган эди. Ушунда бугун дунёдан келган экспертлар "Ўзбекистон қила олиди, бизда бундай лабораториялар йўқ", деганида қанчалар фахрланганмиз. Демак, олимпиада натижаларини янгилаш, дунёвий эътироф қозониш учун йўлларимиз раван.

Шуниси қувонарлики, бу йил айни бир йўналишга ихтисослашмаган Олмалик шаҳридаги Бухоро мактабидан Халқаро кимё олимпиадасининг кумуш медал совриндори етишиб чиқди. Иброҳим Темуров 2021 йилда фаолият бошлаган бу хусусий мактабнинг 2000 дан зиёд ўқувчиларидан бири.

— Узим ёш бўлсам-да, ҳозирги ўқувчиларни кўриб ҳавас қилмаман. Истаган йўналиши бўйича чуқур билим олиш имкони, халқаро мусобақаларга имтиёзлари бор, — дейди ушбу мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Мусо Хошимжонов. — Хусусан, 300 дан зиёд ўқувчиларимиз кимё ва биология йўналишида таълим олишди. Уларнинг ичидан энг кучлиларини олимпиадага тайёрлаб борамиз. Яъни улар кун бўйи фақат кимё фанини ўқишда. Ўтган йилги олимпиадада саралаш босқичидан чиқа олмагандик. Бу йилги олимпиадада жиддий тайёрландик, натижа ёмон бўлмади. Агар ўқувчи етарли билимга эга бўлса, албатта, голиб бўлади. Ҳозир яна 2 ўқувчи халқаро олимпиадага тайёрлаямиз. Насиб қилса, ёш кимёгарларимиз орасидан яна кўплаб олимпиада голибларини кашф қиламиз. Чунки, йилдан йилга ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам таълимга берилаётган юксак эътибордан руҳланиб, ўсиб борапти.

Президентиамизнинг 2024 йил 30 сентябрдаги "Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Халқаро фан олимпиадалари голибларининг мукофот пулларни миқдори 5 бараварга оширилди. Олимпиада саволлари таржима қилинмасдан, Фан олимпиадалари маркази томонидан тўзилишти. Шулларнинг ўзи олимпиадачилар ҳаётида туб бурилиш ясади.



ОЛТИН АВЛОД ВАКИЛЛАРИ НИМА ДЕЙДИ?

Далер РАҲИМОВ, Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси:

— Аввал ҳам бошқа Халқаро кимё олимпиадаларида қатнашганман. Олтин медалга осонликча эришиб бўлмайди. Биринчи олтинини олишдан олдин кетма-кет 4 марта кумуш олганман. Илж бор 8-синфда Халқаро олимпиадага қатнашгандим. Уша йили ҳеч қандай медал ололмаганман. Бу қаттиқ алам қилган. Чунки бизнинг оилада ўқиш масаласи доим биринчи ўринда турган. Болалигимдан кўплаб тўғрақларга борганман. Бўш вақтим умуман бўлмаган. Шундай бўлса-да, уйдигилар менни кўллаб-қувватлаб, олдинда турган галабаларга руҳлантирди. Ўз устимда кўпроқ ишладим. 9-синфда Менделеев кимё олимпиадасида кумуш медал олдим. 10-синфда ҳам шундай натижа бўлса-да, мақсадни билайд олдим. Албатта, олтин медалга эришман деган ният қилдим. Доим яхшиларга интилишга одатланганим шундай чоғларда ўзимни қўлга олишимга ёрдам беради. Ўтган йили меҳнатларим самараси ўлароқ 9-ўрин билан олтин медалга сазовор бўлдим. Бу юқори натижа эди. Чунки бундан олдинги олтин 22-ўрин билан олинган. Ушбу муваффақиятим ортида турган ота-онамга, устозларимга раҳмат айтаман. Менга ҳавас қилиб турган тендошларимга эса, аввало, иродани қўлга олишларини сўрайман. Чунки илм осонликча эгалланмайди. Уйқуни камайитириб, ўз устида тинимсиз ишлаган одамгина илм чўққиларини забт этиши мумкин.



Миржаҳон МУҲАММАДОВ, Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси, "Мард ўғул" давлат мукофоти соҳибини:

— Мен эришган натижа кўпчиликини хурсанд қилиши баробарида уйлантириб қўйгани анқ. Чунки ўтган йили айни шу олимпиададан бронза медал билан қайтгандим. Кумуш медалга салгина етмай қолган. Бу йил эса олтин медал олдим. Аслида, тайёргарликда кўп нарса ўзгармади. Лекин масалаларга ёндашувим бу йил бошқача бўлди. Биринчи иштирокимда кўп масалаларни ишлаб олмагандим. Ушунда ўзимнинг камчиликларим, хатоларимни англаб етганман ва мустаҳкам база тайёрлай бошлагандим. Шунинг учун бу гал кўп масала ишладим, олимпиададан ўрганадиганларини ўтган йилгидан кам бўлди.

Албатта, бу катта сакраш ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Устозларимнинг заҳматли меҳнати, ота-онанинг қўлловлари турибди бунинг ортида. Қолаверса, жамоа бўлиб ишлаш бизга кўп нарса берди. Олти кун назария, бир кун лаборатория билан шугулланардик. Мунтазам ўз устимизда ишладик. Устозлар берган вазифаларни бажардик. Ўтган йилги олимпиада масалаларини қайта-қайта ишладик. Ўзимизга вақт белгилаб тезлигимизни оширишга ҳаракат қилдик. Хатоларимизни кўриб чиқиб, бир-биримиз билан муҳокама қилганмиз, ўзаро фикр алмашганимиз билим ва тажрибамизни янада оширди. 90 дан зиёд давлатдан келган 400 га яқин ўқувчи орасида галабага эришганимиздан жуда хурсанд бўлиб кетдик.

Ҳа, юқорида айтганимиздек, Ўзбекистон номи энди нафақат спортда, санъатда, шу билан бирга, илмда ҳам доғ таратяпти. "Спортчиларга машина, уй берилади, нега олимпиада голиблари кўллаб-қувватланмайди?" деганлар, аслида, ўшанда ҳам мажус бўлган, бузун эса беш баробарга ортган фан олимпиадалари голиблари олади-ган пул мукофоти — қариб бир миллиард сўмга етганига нима дер экан?..

Муножат МҶМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Албатта ўқинг!

Мақвос

("Сўз латофати" китобидан)

Бизнинг она тилимизчилик шевага бой, рангин тил дунёда бўлмас керак. Истаган сўзни олинг, Тошкентда бир хил, Фарғона ё Наманганда бошқача айтади. Вилоятларни қўйинг, бир туманининг турли қишлоқларида турлича талаффуз қоидалари бор. Масалан, у ерда-бу ерда деган сўзимиз бор. Тошкентлик ўтда-бўтда, фарғоналик ағда-бағда, наманганлик атда-батда, андижонлик ашағда-машағда, дейди.

Санъаткорлар орасида айтаётган латифомаз бўлган воқеа: Тошкентдан йўлга чиққан поезд Фарғонанинг бир кичикроқ бекатида туриб қолди. Пойтахтлик санъаткорлар вагон деразасидан бош чиқариб, одамлардан сўрадилар: Бўт қат? Табийки, у ерликлар саволини тушунмаганлар. Бу ер қаер? — деб сўрамоқчи бўлган меҳмонларга фақат елка қисқанлар.


Янглиш тушаётган телефон қўнғироғи, адабидан келадиган СМС хабари одатий ҳодиса. Бир кун мобил телефонимга шундай ёзув тушди: "Билол, мақвос?".

Билол исми ошнасига бу мажхул саволини юборган ким эди, қизиқмадим. Лекин бу хат менга ҳануз наъша қилади, ҳар замон эсимга тушса, савдоий одамлардек дафъатан кулиб юбораман. Гап шундаки, адабий тилимизда мақвос деган сўз йўқ. Уни тушуниш учун, аввало, тошкентлик бўлиш керак, сўнг ёзувда қўриш эмас, қўлоқ билан эшитиш керак. Шундагина мақвос нима қилиясиз, деган жумланинг шевадаги қисқарган шакли эканини илғаш мумкин. Нима қилиясиз — нима қилвотсиз — нима қилвотсиз — мақвос! Ана сизга бир жумланинг "Сўз етилиши" жараёни! Яна ҳам туғрироғи, тилга бепарволик натижасида бир ўзбекча сўз бирикмасининг бошига тушган кўргилик! Бир ёнда шевачилик, бир ёнда сўзнинг ярмини ямлаб ютишга бўлган табиий майл қўшилиб мақвос деган мавхум товушлар йиғиндиси пайдо бўлибди.

Менга янглиш келган СМС хабари хаёлимни олиб қочди. Ялпи саводхон мамлакатлар сафидан турсан юртимизда мақвос деган ёзув қандай пайдо бўлди? Ярим тунда мобил телефонига хабар жўнатган одам, албатта, боғча боласи ёки бошланғич синф ўқувчиси эмас. — Гарчи адабий тил бошланғич синфдаёқ ўқитилади. — Бундай саводсизликнинг илдици нимада?

66

Келмоқ — ёқимли сўз. Биз меҳмондўст халқмиз, кетмоқдан кўра, келмоқни хуш кўрамыз. Уйимизга қайлиқ бўлиб келган қизни келин деймиз. Агар кел ўзагидан ясалган сўзларнинг илдизини очса, бир китоб дунёга келар. Бу ҳам келажакда бўладиган ишлар. Келажак деб аталувчи кунлар келажак.



Келишув

Тилимизда келишув деган чиройли атама бор. Ярашиқли тушунчага ярашиқли ном. Келишув учун қарши томонлар бир ерга келишиб, мунозара қиладилар, турли кутларда жой тутган фикрлар қадам-бақадан яқинлашиб, охири бир ерга келадилар. Бу келишлар жам бўлиб, келишув жараёни содир бўлади.

Давлат раҳбарларининг бир ерда жам бўлиши, келишувларга имзо чекиши тинчлик ва дўстликка хизмат қилувчи жаҳоншумул воқеалар ҳисобланади. Халқ онгида келишув эзгулик, олижаноблик тимсолига айланган. Қарангки, гўзаллик тушунчаси ҳам шу сўз ўзагидан чиқади. Келишган қомат, келишган киз деганимизда биз чиройининг бош белгиси саналган мослик, уйғунлик, мувофиқликни кўзда тутамиз. Юздаги қошу кўз, кипригу қабоқ, лабу даҳан мослиқда,

бир-бири билан келишиб жойлашса, келишган юз бўлар экан.

Келишувнинг бир турини ярашув деймиш. Агар муҳолиф томонлар келишиб олсалар, бунинг оти яраш бўлади. Келишув каби ярашув ҳам, қарангки, чирой белгиси экан. Қошу кўз, қаду қоматни келишган десак, эғнидаги кийимни ярашган, деймиш.

Келмоқ — ёқимли сўз. Биз меҳмондўст халқмиз, кетмоқдан кўра, келмоқни хуш кўрамыз. Уйимизга қайлиқ бўлиб келган қизни келин деймиш. Агар кел ўзагидан ясалган сўзларнинг илдизини очса, бир китоб дунёга келар. Бу ҳам келажакда бўладиган ишлар. Келажак деб аталувчи кунлар келажак.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05



Туризм

Уш билан бўлиб кўхна Қўқон шаҳрига келмаганимизга ҳам анча бўлганди. Яқинда шаҳар бўйлаб оилавий сайр қилдик. Равон йўллар, бир-бирига уйғун қурилган хизмат кўрсатиш ва дам олиш масканларидан завқландик. Биз каби сайру саёхат қилаётганлар кўп, хорижлик сайёҳлар билан ҳам учрашдик. Шаҳар тинч, осуда.

Латиф шаҳар — Қўқондаги Худоёрхон ўрдаси қуриб битказилганига 150 йилдан ортиқ вақт бўлди. Қўқоннинг сўнгги хони томонидан қурилган тарихий ёдгорлик дастлаб 3 та қисм ва 114 хонадан иборат эди. У ўз даврининг маҳаббатли иморатларидан бўлган. Ҳозирги кунда унинг кичик қисми ва 19 хонаси сақланиб қолган бўлса-да, мазкур ёдгорлик сайёҳларнинг катта қизиқишига сабаб бўлмоқда. Узоқ-яқиндан келиб бу иншоотнинг ўзига хос меъморий ечимлари, исломий нақшлари, бой ранг-тасвирлари ҳақида билишни истовчилар сафи кундан кунга ортиб бормоқда.

— Қадим шаҳарга дейрли ҳар куни маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар келишини ҳисобга олиб ягона чипта жорий қилганмиз. Бу музей-қўриқхона таркибидан бўлган 12 та музей ва зиёратгоҳда бир ой давомида саёхат қилиш имкониятини беради. Хорижлик меҳмонлар учун бу имтиёзлар 7 кун қилиб белгиланган, — дейди Қўқон давлат музей-қўриқхона раҳбари Муҳаммадрасул Мавлонкулов. — Хорижлик сайёҳлар ўрда майдони, хонлик даврига оид архитектура ёдгорликлари учун кўп вақт ажратган. Тарихдан сўзловчи иморатлар ва буюм-ашёллар меъморий қурилиши, дизайни, ранглари, қўл меҳнати билан яратилган шакллари билан уларни ҳайратга солади.

Икки минг йиллик тарихни ўз ичига олган маскан қадимдан бетакор санъати, адабиёти, тадбиркор хунармандлари билан етти иқлимга донг таратган. Бу ерда хунармандлик ва халқ амалий санъатининг турли йўналишлари юксак даражада тараққий этган. Устоз-шоғирд аъёнлари, хунармандларнинг оилавий тулоллари унинг сир-асрорларини аждодлардан авлодларга етказиб келмоқда.

Хунармандликнинг ёгон ўймакорлиги, қоғозгарлик, чилангарлик, заргарлик, пичоқчилик каби қўлбанд турлари равнақ топмоқда. Уста хунармандлари қўлаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш борасидаги ишлар қадим шаҳар тараққиёти, маданий ҳаётини дунё ҳамжамиятига янада яқинроқ таништириш имкониятини берапти. — Бу ерга келишдан олдин Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида бўлдим. Таассуротларим бир олам, — дейди аргентиналик Роксана Лобарнара. — Айнақса, табиати жуда гўзал, иқлими, об-ҳавоси қўлай экан. Содда, самимий кишиларнинг хушфелияли эътиборга молик. Ўзбек таомлари, миллий кийимлари, урф-одатлари ва аъёнлари бошқа юртда учрамайди. Касбим иқтисодчи бўлгани учун ўзбекистонликларнинг яшаш тарзи, турмуши билан қизиқдим. Гап-лашганимда уларнинг орзу-умидлари, мақсадлари кўпчилигидан ҳайратландим. Одамлар тараққиёт сари интилаётгани жуда яхши. Юртингиздаги тинчлик, хотиржамлик, дўстлик ва биродарлик уларнинг бахтиёрлиги, мақсад ва режаларини амалга ошириш имкониятини беради.

— Ўзбекистонга иккинчи бор келишим. Аввалги сафар фақат Самарқанд ва Бухорога қилгандим, бу сафар кўхна Хивада ҳам бўлдим, — дейди Буюк Британиядан келган сайёҳ Жанник Файн. — Қадимий шаҳарларда сақланиб қолган меъморий обидаларнинг ҳар бири ўзига хос тарих.



Уларнинг қурилиши ва беағи жуда мукамал. Қўқон ва Марғилон ҳақида кўпроқ билгим келяпти. Бу юрт ҳақида, унинг тарихи ва бутуни, табиати, урф-одатлари ва миллий ўзига хослигидан ҳикоя қилувчи китоблар, фотоальбомлар кўпроқ нашр этилса, янада яхши бўларди.

Туризмнинг ривожланишида нафақат тарихий меъморий обидалар, балки ўша ерининг саранжом-сарияшлиги, озодаллиги ҳам катта аҳамиятга эга. Худоёрхон ўрдаси ҳудудидан кейинги йилларда салмоқли ишлар бажарилди. Ноёб дарахтлар, буталар ва гуллар ҳудудининг янада кўркам бўлишига замин яратди. Бу ер одамларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган энг сеvimли масканга айланиб борапти. Қўқаламзор майдонларда кўнаб ўйнаётган жажжи болаларнинг, берилиб китоб мутулаа қилаётган ёшлар, давра қуриб суҳбатлашаётган йиғит-қизларга кўзингиз тушади.

— Худуд ландшафтнинг бойишти ҳаракатидамиз, — дейди Қўқон шаҳри Ободлаштириш бошқармасига қарашли "Худоёрхон ўрдаси" боғи бригадир Эркинжон Икромов. — Бу йил учинчи бор халқаро хунармандлик фестивали ўтказилди. Бунга ҳозирдан тайёргарликни бошлаб юборганмиз. Шу кунгача ноёб, маҳаллий иқлим шартимизга мос бўлган 52 минг туپта яқин дарахт ниҳоли эждик. Яшил ва соя-салқин майдонларда турли семинарлар, давра суҳбатлари, тадбирлар ўтказиш урфга айланиб бораётир.



Ўтмишда Қўқонда 600 та масжид, 67 та мадраса, 26 та қорихона, 100 дан зиёд хонақоҳ, 6 та марказий бозор, 30 га яқин қарвонсарой ва бошқа меъморий обидалар бўлган. Бу тилимотларнинг бир қисми турфа урушлар, бир қисми эса собиқ шўро тузуми қурбонига айланган, йўқ бўлиб кетган.

— Қўқон маданий қўриқхонаси таркибига кирувчи Тераққон мажмуасида Ашурали Зоҳирий музейини ташкил этиш ҳаракатидамиз, — дейди Қўқон давлат музей-қўриқхонаси Тераққон археологик ёдгорлиги филиали мудири Гулрух Шоҳиева. — Тераққон археологик ёдгорлиги шаҳар ёшини аниқлагани ҳамда қадимги ўрда

ўрнида жойлашгани билан аҳамиятли. Бу ер Қўқон шаҳрининг энг қадимий асоси. Мазкур археологик ёдгорлиқни реконструкция ва консервация қилиб, очиқ осмон остидаги музейга айлантириш саяё-ҳаракатидамиз. Хўқанд милодий эра бошларида нафақат йирик шаҳар, балки кичик давлат пойтахти бўлган. У ҳақида қўлбанд тарихий манбаларда ёзилган. Қўқон харабага айланган, узоқ йиллар давомида қабристон бўлган. Бу ерда қўлбанд аллома, адиб ва мударрислар дафн этилган. Ушбу ёдгорлик 2019 йилда моддий маданий мерос объектлари миллий рўйхатига киритилган. 2022 йилда археологик қазув ишлари натижасида ёдгорлик арқининг тузилиши аниқланган.

Туризм объектларига элтувчи йўналишлар жозибдорлигини ошириш мақсадида қўшимча илломинациялар ўрнатилди. Қўқон ёгон ўймакорлиги бўйича Жаҳон хунармандлари шаҳри мақомини олган қурилган. Шу мақсадда Қўқон хунармандлиги аъёнларига мос янги ўстахона, маҳалла ва хонадонларда зарур шартлар яратилди, замонавий хизмат кўрсатиш тармоқлари ишга туширилди. Қўқоннинг бой маданий ёдгорликлари, кутлуг қадамжолар бўйлаб саёхатлар уюштириш, ички ва халқаро туризм имкониятларини кенгайтириш борасидаги истиқболли лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Қўқонга ҳар йили келаман. Шаҳарда ўтказиладиган фестивалларда иштирок



халқаро туризм фильмлари фестивалида иккинчи ўринни қўлга киритди. Сайёҳлар оқимини янада ошириш мақсадида Хитой, Жанубий Корея, Саудия Арабистони ва Қозғистонга туғридан туғри янги авиақатновларни йўлга қўйиш борасида ишлаяпмиз.

Жорий йил 9 апрель куни худудларнинг туризм салоҳиятини янада ошириш ҳамда хорижий ҳамкорлар билан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш юзасида Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида Фарғонада гастрономик туризм йўналишлари йўқлиги айтиб ўтилди. Айни кунда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, гастрономик туризм тармоқларини қўлайитиришга оид чора-тадбирлар ташаб қилди. Чунки Фарғонага усулда тайёрланган ош, сомса, қабоб сингари таниқ таомлар ҳеч бир сайёҳни бефарқ қолдирмайди.

Вилоятда эко ва тиббий туризмга қизиқиш ортмоқда. Эндиликда Фарғона туманида 230 гектар, Олтиارقда 149 гектар ерда тиббий туризм ва санаторий-курорт зонаси ташкил этилади. Ёзёвон туманида 284 гектар ва Кува тумани Карқидон суф омбори атрофида 250 гектар ерда замонавий экотуризм масканларини барпо этишга киришилди.

Катариинг "JTA International Investment Holding" компанияси Шоҳимардон қишлоғида 100 миллион долларлик курорт зонаси, яъни иккита арқон йўли, қия кўтаргич, осма кўприк қабиларни ўз ичига олган туризм лойиҳасини амалга оширмоқчи. Вилоятнинг тоғли худуди бўлган Сўх тумани ҳамда Шоҳимардон ва Ердон қишлоқларида табиатга зарари тегмайдиган, энгил кўчма ва камхарж ойнаванд капсула уйлар ва трекинг йўналишлари ташкил этилади. Қирғизистоннинг Боткен вилоятида жойлашган туризм худудларини боғловчи янги абадий қардошлик сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг ўзида 25,5 минг хорижлик ва 160 минг маҳаллий сайёҳ ташрифини ташкил этиш режалаштирилган.

— Четгара постларида ўтиш тизими соддалаштирилгани ўзаро борди-келди, саёхат, дам олишда янги имконият эшикларини очди, — дейди Боткен вилояти Қадимий турмини Хайдарқон қишлоғидан келган сайёҳ Ҳасанбой Асиров. — Болалик чоғимда Қўқонга, Фарғона шаҳрига борганимни эслайман. Шунга ҳам ярим асрдан ошди. Бу ерга келиб, шаҳар ва қишлоқларни таний олмадим. Осмонга бўйлашган иморатларга қараб, бошимдаги қалпоғим ерга тушиб кетди. Ниҳоятда гўзал, обод бўлиб кетибди. Шу ерда туриб, қўл телефоним орқали яқинларим, биродарларим билан боғландим, уларни ҳам бу ерларга келишга чорладим.

"Юрган дарё — ўтирган бўйра", деган аjoyиб мақол бор. Бунинг маъноси, уйда тўшалган бўйра бир жойда таваровиб чанг босиб, зах тортиб қолади... Гап шундаки, ота-боболарим ҳам сайру саёхатга, зиёратга бориб туришга чорлашган. Шундай экан, саёхат қилинг.

Расулжон КАМОЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири
Шерзод Қоробоев олган суратлар.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.
34972 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусахҳиш: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА яқуни — 23:15 Топширилди — 00:30